

ДАВЛАТНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИ ВА УНГА ДОИР ҚАРАШЛАР МАЗМУНИ

Ҳабибулло Ибодуллаевич Ражабов

Тошкент давлат транспорт университети, доцент

rhabibullo@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада глобал ахборот маконининг ривожланиши натижасида юзага келаётган ўзгаришлар шароитида давлатнинг ахборот сиёсати, мазмуни, шаклланиши ва замонавий жамиятдаги вазифалари кўрсатиб берилди. Ахборот сиёсатига бўлган умумий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, унинг халқаро ва минтақавий хусусиятлари ёритилди.

Калит сўзлар: Глобал тараққиёт, ахборот омили, ахборотнинг таъсир кўлами, ахборот макони, халқаро муносабатлар, давлатнинг ахборот сиёсати.

STATE INFORMATION POLICY AND ITS CONTENT

ABSTRACT

The article describes information policy, content, formation and functions of the state in modern society in the context of changes occurring as a result of the development of the global information space. Based on the general needs of information policy, its international and regional peculiarities are highlighted.

Keywords: global development, information factor, scale of information influence, information space, international relations, information policy of the state.

КИРИШ

Замонавий дунёни ахборот омили сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айни даврга келиб ахборот омили инсоният ҳаёт эҳтиёжлари учун бирламчи ресурсга айланди. Тарихдан маълумки, ҳар бир даврнинг муҳим ресурслари мавжуд бўлган. Ибтидоий давр учун сув, олов ва шунга ўхшаш оддий элементлар энг муҳим ресурс сифатида қаралган бўлса, техноген цивилизация инсониятга техник эҳтиёжлардан келиб чиққан янги ресурсларни тақдим этди. Бирок, ўтган аср охири ва асримизнинг бошларида интернет тизимининг такомиллашуви, ахборот алмашинувнинг юқори босқичга чиқиши натижасида, ахборот башарият фойдаланадиган



асосий ресурс сифатида эътироф этилмоқда. Ахборот оқимининг таъсир кучи натижасида турли давлатлар ва жамиятлардаги барқарор вазиятни издан чиқариш ҳолатлари учрамоқда. Мамлакатимиз президенти Ш.Мирзиёев масалага қўйидагича эътибор қаратган: “Ҳозирги глобаллашув даврида, инсон онги ва қалби учун кураш кучайган бир пайтда турли ғоявий таҳдид ва хуружлар жамиятимиз маънавий ҳаётига таъсир кўрсатишнинг кучли қуроли сифатида намоён бўлмоқда.

Бундай мураккаб вазиятда ана шундай босимга бардош бера оладиган жамиятни шакллантириш учун қўйидагилар ҳаётимизнинг зарурий талабига айланмоқда:

- Турли маънавий бузғунчилик ва вайронкорлик ҳаракатлари ва хуружларининг олдини олиш, аҳоли, айниқса униб-ўсиб келаётган ёшларимизда уларга нисбатан маънавий иммунитетни шакллантириш, эзгу ғояларни тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

- Жаҳолат, умумий савиянинг пастлиги бузғунчи ғояларга ишонувчанлик ва уларнинг таъсирига берилиш ҳолатларини бартараф қилиш учун пухта ишланган ва замонавий ижтимоий фан ютуқларига таянадиган маънавий таълим-тарбиянинг изчил амалга оширилишига эришиш;

- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган фаолиятни такомиллаштириш;

- Соҳага замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш”[1].

Барча даврларда жамиятнинг етакчи қатлами ҳисобланган зиёлилар ўзлари яшаган ёки ундан олдинги асрларга (ўша асрдаги воқеа ва ҳодисалардан келиб чиқиб) ном беришган. Мазкур жараён одатда аср адоғида амалга ошган. Айтиш керакки, асримизнинг бошидаёқ назариётчи олимлар янги асрни ахборот асри дея ном беришгани ахборот омилининг ҳозирги кучи ва қудратини кўрсатиб турибди. АҚШлик таниқли давлат арбоби Жорж Вашингтон “Агар мендан сўрашса, олдингизда икки йўл турибди, биринчиси газеталарсиз ҳукумат, иккинчиси ҳукуматсиз газеталар бирини танланг дейишса мен шубҳасиз, иккинчисини танлаган бўлардим” деган эди. Бундан бир неча аср олдин айтилган иборанинг бугунги кундаги талқини қандай бўлиши мумкин? Вашингтон даврида ахборот тарқатиш масъулияти фақат газеталарга юклатилганлиги ва бугунги кунда ахборот тарқатишнинг ўнлаб усуллари ва воситалари

яратилганлигини ҳисобга олсак, мавзу тадқиқига оид эҳтиёжнинг кўлами аниқлашади. Ахборот омилининг кучайиб боришини башорат қилган таниқли олим Э.Тоффлер жаҳонда учта инқилоб содир бўлганини тилга олиб, аграр, саноат инқилобларидан сўнг янги “ахборот инқилоби” пайдо бўлганини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, “Тез кунларда тарих саҳнасига янги ҳокимият кўтарилади. Куч, зўравонлик, бойлик, пулга асосланган ҳокимият интиҳосига етиб, унинг ўрнини билим ва ахборотга асосланган ҳокимият эгаллайди. Янги ҳокимиятда ақл устуворлик қилиб, бу ақл билимни, ахборотни, инсонларда шаклланган фундаментал қадриятларни синтез қилишга йўналтирилади”[2]. Тоффлернинг мазкур жумлаларини янги давр мутафаккирларининг аксарияти тўлдирган. Жумладан, Т.Томас ҳам ахборот ресурсларини ядро қуролига тенглаштиради. Ахборот инсонларга таъсир кўрсатишнинг асосий воситаси эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, унинг қуйидаги хулосаларини келтириш мумкин:

- «Ахборот ресурсларини бошқалардан худди ядро қуролни ҳимоя қилган каби ҳимоялаш лозим;
- ахборот ресурслари кучлар нисбатини бузиб юбориши мумкин;
- ахборот хуружлари ўзининг бошланиш палласида унчалик кўзга ташланмаслиги сабабли ҳар доим ҳам уларнинг олдини олувчи чораларни қўллаб бўлмайди;
- ахборот хуружлари экологик хавф-хатар туғдирмайди, шу боис душманга ахборот ҳужумини уюштириш ядро қуролни қўллашдан кўра самаралироқ ҳисобланади;
- ахборот амалиёти мамлакат иқтисодини ҳам издан чиқариши мумкин;
- ахборот хуружлари кишилардаги миллий руҳиятни заифлаштиришда самарали усулдир;
- ахборот хуружлари мавжуд воқеликни бузиб кўрсатиб, мамлакатнинг нотўғри қарорлар қабул қилишига ёки қарорлар қабул қилиш жараёнини бузишга сабаб бўлиши мумкин»[3].

Фикрларимизни қуйидаги жиҳатлар билан асослашга уринамиз:

Биринчидан, глобаллашув жараёнининг асосий жиҳати – бу халқлар, давлатлар, миллатлар ўртасида ахборот олиш ва тарқатиш жараёнидаги чегаранинг амалда йўқлиги билан характерланади. Олимларнинг қайд этишича, глобаллашув жараёнининг кучайиши бевосита ахборот омилига боғлиқ;



Иккинчидан, инсонлар, мамлакатлар ва бошқа субъектлар ўртасида келишмовчиликлар, зиддиятлар мунтазам мавжуд бўлиб келган. Зеро, тарих бу зиддиятларни ўз ичига олган воқеликдир. Мазкур зиддиятли воқелик яъни урушлар, муҳорабаларда оммавий равишда фойдаланилган қурол-аслаҳаларнинг энг қадимгиларидан тортиб замонавий ядро қуролигача бўлган даврдир. Аммо, бугун дунё мамлакатлари энг замонавий қуролдан ҳам самарали, кам маблағ сарфлаб кўпроқ натижани таъминлайдиган ахборот қуролининг кучини, таъсирини сезишмоқда, ундан юқори даражада фойдаланиш йўллари излашмоқда;

Учинчидан, ахборот алмашинув ҳодисаси ўзининг тезлиги, замон ва макон чегараларини жуда тез бузиб, дунёнинг бир четида рўй берган воқеанинг кичик сониялар ичида ер юзининг бошқа бир ҳудудида акс-садо беришини таъминлаши билан характерланмоқда;

Тўртинчидан, ахборот омили радикал, диний экстремистик ташкилотлар томонидан фойдаланиш самарадорлиги ошиб бормоқда. Сабаби, дунёнинг қайси минтақасидан туриб ахборотни истеъмолчига етказишнинг аҳамият йўқ. Асосийси истеъмолчининг тегишли ахборот билан таъминланишидир. Бу вазифани амалга ошириш учун ўша истеъмолчи яшайдиган давлатда бўлиш шарт эмас. Ахборот омилининг энг қудратли жиҳатларидан бири ҳам шунда, замон ва маконга тобе эмаслиги билан баҳоланмоқда;

Бешинчидан, инсонлар ўртасидаги мулоқот майдони ўзгариб том маънода ижтимоий тармоқларга кўчди. Бугун интернет фойдаланувчиларнинг аксарияти ижтимоий тармоқни ўзи учун маълумот майдони сифатида қабул қилмоқда. Тарқатилаётган хабарларнинг асослилиги, мантиққа, реал воқеликка мослиги фойдаланувчиларни қизиқтирмай қўйгани, ушбу вазиятдан эса жамият аъзоларининг онги ва тафаккурини у ёки бу томонга йўналтириш ва бунинг натижасида муайян жамият манфаатларига зид муҳитни шакллантириш ҳолатлари намоён бўлмоқда.

Юқорида келтирилган асосларни таҳлил қилиш, ўз фуқароларини турли зарарли ахборот оқимидан муҳофаза қилиш, давлатнинг миллий манфаатларга мос келмайдиган ахборот оқимлари тарқалишини максимал даражада камайтириш (бутунлай йўқ қилишнинг амалда имкони йўқ) ўзининг келажаги ва барқарор ривожланишини стратегик вазифа сифатида қарайдиган ҳар қандай давлатнинг сиёсатида устувор аҳамият касб этиши зарур.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ



Муаллифлар А.В.Манойло, А.И, Петренко Д.Б Фроловларнинг қайд этишича, “Бугунги кунда кишиларга ахборот орқали таъсир кўрсатишга хизмат қилувчи воситалар стратегик устунликка эришиш воситаси бўлиб қолди. Эндиликда олимлар томонидан ахборот орқали таъсир деганда ахборот курули (аввалдан муайян мақсад сари йўналтирилган узатиладиган, қайта ишланадиган, яратиладиган ва қабул қилиб олинадиган ахборотни узатиш воситаси) воситасида инсонларнинг онги ва қалбига таъсир ўтказиш сифатида баҳоланмоқда”[4].

Сиёсий фанлар номзоди У Ислombeковнинг айтишига кўра, “Ахборот сиёсатининг аҳамиятини тўғри баҳоламаслик ҳар қандай давлатнинг жаҳон цивилизациясидан ортда қолишига олиб келади. Шундай экан, ахборот сиёсати коммуникациянинг янги воситаларини жорий этишни, ахборот соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришни, ахборот хавфсизлиги масаласига эътибор қаратишни талаб этади. Зеро, ахборот нафақат жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, илмий-техник тараққиётига таъсир кўрсатади, балки инсонлар дунёқарашини, феъл-атворини, уларнинг руҳий-ахлоқий ҳолатини ўзгартиришга қодир куч саналади”[5].

Маълумки, ҳар қандай давлат йирик иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳолатини юксалтиришда аввало, ишни сиёсий барқарорликни таъминлашдан бошлайди. Зеро, сиёсий барқарорлик барча ислохотларнинг тамал тошини қўювчи жиҳатдир. Тадқиқот мавзуимиз марказида турган ахборот сиёсати масаласи эса сиёсий барқарорликни таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Дунёда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга муносабат билдириш, ахборот маконида ўз манфаатларини ҳимоялаш мазкур сиёсатнинг таркибий қисмидир. Ахборот сиёсати - бу давлат томонидан жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги фаолиятини ахборот билан таъминлашга, ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги масалаларни ҳал этишда ахборот омилидан фойдаланиш, ҳамда жамиятда ахборотлаштириш жараёнлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Кўпчилик назариётчилар ахборот сиёсатига “ахборотни узатиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланишнинг сифати ва суръатини белгилаб берувчи тадбирлар тизими”[6] деб таъриф берган бўлсалар, айрим олимлар “ахборот соҳасидаги миллий манфаатларни ҳимоялаш, давлат бошқарувини амалга оширишдаги вазифаларни ишлаб чиқиш, давлатнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга ахборот

орқали таъсир кўрсатишига хизмат қиладиган мақсадлар йиғиндиси”[7], дея таъриф беришган.

Қуйида келтирилган манбада ахборот сиёсатига бирмунча кенг таъриф берилган. Унга кўра, “ахборот сиёсати – ахборотни яратиш, фойдаланиш, сақлаш, узатиш ва тарқатишни рағбатлантирувчи, таъқиқловчи ёки тартибга солувчи барча давлат қонунлари, қоидалари ва сиёсатининг йиғиндисидир”[8]. Таърифга баъзи қўшимчаларни ҳам киритишимиз мумкин. Ахборот оқимларини назорат қилиш, кузатиш, қонуний сабабларга кўра муайян воситалар асосида ахборот тизимлари устидан умумий назоратни ўрнатиш ҳам юқоридаги таърифга қўшимча бўла олади.

“Жамият ҳаётини демократлаштириш ва тижоратлаштириш учун ахборотдан фойдаланишга доир давлат сиёсати масалалари диққатга сазовордир. Бу масалалар, хусусан, рақамли тафовут, интеллектуал мулк, иқтисодий тартибга солиш, сўз эркинлиги, маълумотларнинг махфийлиги, ахборот хавфсизлиги, ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш ва оммавий маълумотлар қандай тақсимланишини тартибга солиш каби рақамли технологияларни ўз ичига олади. Ахборотнинг айрим тоифалари ахборот сиёсати учун алоҳида аҳамиятга эга”[8].

АҚШлик сиёсатшунос Сандра Брамман юқорида берилган таърифни қуйидагича тўлдиради: “Ахборот сиёсати - ахборот оқими ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган умумий ижтимоий конституциявий ҳаракатлар билан бошқа ҳар қандай қарор қабул қилиш амалиётини ўз ичига олади. Ахборот сиёсати ахборотлашган жамиятнинг марказий муаммосидир. Мамлакатлар индустриализмдан постиндустриализмга ўтиш жараёнида ахборот муаммолари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Социолог Даниэл Беллнинг сўзларига кўра, "ҳозир энг муҳими кўпол билан кучи ёки қуввати эмас, балки маълумотдир”[9].

Ахборот сиёсати тушунчасининг пайдо бўлиши ва илмий термин сифатида илмий манбаларда қайд этилиши ўтган асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Э.Тоффлер тилга олган саноатлашган жамиятнинг тобора ахборотлашиб бораётган жамиятга ўз ўрнини бўшатиб бериши натижасида ахборот сиёсати тушунчаси адабиётларда қайд этила бошлади. Ахборот сиёсатининг умумий моҳиятини англаш, унинг барча муносабатлардаги ўрни ва аҳамиятини тушунишнинг кучайиб бориши жамият аъзоларининг мазкур масалани ўрганиш ва таҳлил қилишга бўлган қизиқишни янада оширди.



Шу ўринда бир муҳим масала диққатимизни тортади. Ахборот сиёсати – бу қайси йўналишдаги фанларнинг тадқиқот объекти деган савол пайдо бўлиши табиий. Чунки, ахборот оқимлари, киберхавфсизлик каби масалаларни техник томонлари кўплиги боис бу йўналишни тадқиқ этиш асосан техника фанларига хос тушунча. Бироқ, ахборотнинг ғоявий-мафкуравий таъсир кучидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ахборот сиёсати том маънода ижтимоий-сиёсий фанларнинг ҳам тадқиқот объектидир.

С. Браманнинг қайд этишича, “Ахборот сиёсати аслида компьютер фанлари, иқтисод, ҳуқуқ ва давлат сиёсати каби бир нечта турли фанларнинг бирикмасидир. Ушбу фанларнинг ҳар бири ахборот сиёсатини таҳлил қилганда фақатгина унинг фойдаланиш кўлами фарқ қилиши мумкин. Ахборот фанлари технологик тараққиёт ва бу ахборот сиёсатига қандай таъсир қилиши билан кўпроқ шуғулланиши мумкин, шу билан бирга ҳуқуқий нуқтаи назардан, махфийлик ва интеллектуал мулк ҳуқуқлари каби масалалар энг муҳим бўлиши мумкин”[9].

Қуйидаги манбада давлатнинг ахборот сиёсати “ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва уни тарқатиш билан боғлиқ бўлган кишилар ҳаёт фаолиятининг ўзига хос тури бўлиб, давлат ва фуқаролик жамияти манфаатларини ифодалайдиган, улар ва уларнинг вакиллари орасида ижодий, конструктив мулоқотнинг таъминланишидир”[10].

“Ахборот сиёсатининг дастлабки ғояси 1900-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлган. Саноат жамиятидан ахборот жамиятига ўтиш босқичлари бир қатор бошқа ўзгаришларни келтириб чиқарди. Умумий саноат технологиялари ахборот метатехнологиялари билан алмаштирила бошланди. Ташкилотлар ўз шакллариини ўзгартира бошладилар, ахборот иқтисодиёти саноат ва аграр иқтисодиёт ўрнини эгаллади. 1970-йилларга келиб маълумотларни химоя қилиш мақсадида миллий ахборот сиёсати концепцияси яратилди, ундан давлат сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилди. Ахборот сиёсатининг дастлабки тарафдорлари қаторига АҚШ, Австралия ва бир қатор Европа давлатлари кирди, улар кўпроқ стандартлаштирилган ахборотни бошқариш муҳимлигини тан олдилар”[11].

НАТИЖАЛАР

Ривожланган мамлакатларнинг ахборот сиёсатига доир фаолиятини таҳлил қилиш юқоридаги фикрларимизни тўлдиради. Тараққиётнинг барча йўналишларида илғор



бўлган давлатлар ахборот маконида ҳам ўз ўрнини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратмоқда. Улар ҳозирда миллий ахборот маконидаги муносабатларни тартибга солиш, зарур қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш учун масъул бўлган давлат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш йўлидан бормоқда.

Тарихнинг жуда қисқа даври мобайнида ўзининг таъсир доирасига эга бўлиб улгурган ахборот сиёсатининг кейинги босқичлари ҳақида гапирганда, унинг ривожланиши, жамият ҳаётининг барча соҳаларига жиддий таъсир кўрсатиши ҳозирдан маълум. Шунингдек, халқаро муносабатларда ҳам ахборот сиёсатининг роли беқиёс. Ўзининг ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш тажрибаси ва кўнимасига эга мамлакатлар келажақда ҳам ҳозир бўлганидек, ўз давлатчилик позицияларини мустаҳкамлаб бораверади. Ва аксинча, ахборот сиёсатининг юқорида кўрсатилган жиҳатларини ўзлаштирмаган мамлакатларда эса тескари воқелик кузатилади.

Бугунги кунда ахборот инқилобининг таъсири глобал кўлам касб этмоқда. Ахборотнинг роли барча муносабатларда хусусан, сиёсий муносабатларда алоҳида ўринга эга. Шунингдек, ахборот сиёсатини ўрганадиган фанлар, соҳалар кенгайиб бормоқда. Россиялик социолог олим К Колиннинг фикрига кўра, “Ушбу билим соҳалари асосида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва кесишган бир қатор тушунчалар ажратилади: алоқа, ахборот, АКТ, технология, маданият, билим, тил ва матн, нутқ, оммавий ахборот воситалари, мафкура ва ҳ.к. Гарчи бу тушунчалар, бир-бирига жуда яқин соҳалар бўлмасда, улар бир-бири билан муносабатларининг умумийлигини кузатиш мумкин. Ахборот-коммуникация технологиялари тушунчалари жамиятда ахборот-коммуникация фаолиятининг усулларидан биридир. Уларнинг ривожланишини глобал миқёсдаги чуқур ўзгаришларни ўз ичига олган жамиятни ахборотлаштириш жараёни сифатида талқин қилиш мумкин”[12].

Колиннинг қайд этишига кўра, “Ахборот ва коммуникация билан боғлиқ бўлган соҳа турли фанлар ва фанлараро соҳаларнинг қизиқиш мавзуси бўлиб, улар ушбу соҳанинг мазмунини ҳам, унинг жамият билан алоқасини ҳам турли йўллар билан белгилайди: ижтимоий информатика, алоқа, журналистика ва медиа тадқиқотлари, фан тадқиқотлари ва технология, социология, билим фалсафаси, дискурс таҳлили, социоллингвистика, семиотика, рамзий интеракционизм, маданиятшунослик ва маданият социологияси. Бу жараённи тушуниш алоҳида фан –



ижтимоий информатиканинг шаклланишига олиб келди, унинг предмети жамиятнинг ахборот ресурслари, уларнинг хоссалари, тузилиши ва типологияси, жамиятнинг ахборот салоҳияти бўлиб, ахборот технологияларидан самарали фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга”[12].

Жамиятда ахборот омили қайси фан ёки соҳа нуқтаи назаридан келиб чиқиб таҳлил қилинмасин, ахборотнинг куч-қудрати ва имкониятларига соя солмайди. Ахборотнинг пайдо бўлиши ва ривожини ўрганган С.Дятлов ахборот инқилоблари ҳақида қуйидаги қарашларни илгари сурган: С.А.Дятлов концепциясига кўра, “биринчи инқилоб тилнинг пайдо бўлиши, иккинчиси - ёзув, учинчиси - нашр, тўртинчи ахборот инқилоби радио, телефон, телевидение каби ахборот алоқа воситалари пайдо бўлган пайтдан бошланди. Бешинчиси, рақамли компьютер технологиялари ижтимоий амалиётда қўлланила бошланган пайтда шаклланди. Интернетнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган инқилоблардан бири 1990-йилларга тўғри келади. Бироқ, унинг биринчи асослари 1960-йилларда топилган”[13].

Айни даврга келиб, Дятлов концепциясида кўрсатилган сўнгги инқилоб бўлмиш интернет тармоғи ахборот технологияларининг янги талқинини тақдим этмоқда. Янги давр инсониятга инқилобий ҳодисаларни тақдим этмоқда. Қисқача айтганда дунёда янги олдингиларига ўхшамайдиган ахборот макони шаклланиб улгурди. Оддий тил билан айтганда ахборотнинг бозори ўзининг маҳсулотларини турли кўринишларда тақдим этмоқда. Маҳсулотларнинг ҳажми, сифати, кўлами, миқдори давр эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланмоқда.

МУҲОКАМА

“Ахборот бозори” истеъмолчиларининг муайян манфаатлардан келиб чиқиб маҳсулот билан таъминланиши турли жамиятларда турлича талқин қилинмоқда. Айнан шу сабабга кўра, ўз хавфсизлиги ва барқарорлигини стратегик вазифа сифатида қўяётган жамиятлар энди ахборот истеъмолини ўз хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб талаб қўйиш тенденциялари кучайиб бормоқда. Улар эндиликда нафақат истеъмолчи балки, ўзларини ахборотни етказиб берувчи мақомида кўриш истагини билдиришмоқда. Иқтисодий нуқтаи-назардан ёндашадиган бўлсак, истеъмолчи бўлишга нисбатан етказиб берувчи бўлиш анча самаралидир. Бундай вазиятда “ахборот маҳсулотига” ким кўпроқ эғалик қилса у маълум даражада устунликка эга бўлади. Мазкур жараёнларнинг кучайиб



бориши айнан бизнинг тадқиқотимиз доирасида мавзуни чуқурроқ таҳлил қилиш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Замонавий шароитда ахборот хавфсизлиги айнан ахборот тарқатувчиларнинг истеъмолчига етказиб бераётган турли маълумотларни жамият ва давлат хавфсизлиги нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш имконияти билан белгиланади.

Ахборот сиёсатида бўлган муносабатнинг юқоридаги кўриниши миллий манфаатлар тизими ҳамда хавфсизликни таъминлашга бўлган эҳтиёждан келиб чиқади. Мазкур масала ғарб сиёсий тадқиқотларида юқори ўринни эгаллаган. Тадқиқотчи Ж. Мартин “Ахборот сиёсатини амалга ошириш жараёнининг асосий вазифалари жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, бу эҳтиёжларни қондириш воситаларини ишлаб чиқиш ва ахборот ресурсларидан самарали фойдаланишга кўмаклашишдан иборат”[14] деб талқин қилади. Фикримизча, фақат жамият манфаатларини ҳисобга олиш билан муаммо ўз ечимини топмайди. Бу ерда, давлат манфаатлари, шахснинг индивидуал манфаатларини ҳам қайд этиш зарур.

МДХ давлатлари орасида ахборот сиёсатининг тадқиқига дастлаб россиялик олимлар эътибор қаратишган. “Мазкур масала Россияда 1990-йилларнинг ўрталаридаёқ илмий жамоатчилик томонидан ишлаб чиқилганлигини таъкидлаш муҳимдир. Айнан ўша даврда ахборотнинг сифат жиҳатидан янги родини акс эттирувчи қонунчилик базаси кўпроқ шаклланди. Тадқиқотчи Ю.А.Гончаров давлат ахборот сиёсатини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, одамларнинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланишини таъминлаш мақсадида ахборот муносабатларини тартибга солиш фаолияти сифатида қарайди”[15].

Юқоридаги мутахассисларнинг фикрларидан келиб чиқиб, ахборот сиёсати биринчи навбатда жамият аъзоларини энг муҳим, миллий манфаатларга мос маълумот билан таъминланишида акс этишини англаш мумкин. Шу билан бирга, давлат ва жамият муносабатларини тартибга солиш, барқарорлаштириш, жамиятда соғлом мулоқот муҳитини шакллантириш вазифалари ҳам ахборот сиёсатининг зиммасидаги фаолиятдир. Мазкур вазифаларни ахборот яна бир рус олими П. Малуев ҳам қайд этган. Унга кўра, давлатнинг ахборот сиёсатини турли ижтимоий субъектлар томонидан фуқаролар ва давлат манфаати учун ишлаб чиқиладиган ва амалга оширилаётган (бутун давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда) миллий аҳамиятга эга бўлган ахборот сиёсати сифатида кўриб чиқишда кўринади”[15].



Сиёсатшунослик фанлари доктори О. А. Судоргин ўзининг “Давлатнинг замонавий ахборот сиёсати: жаҳон тажрибаси ва Россия амалиёти” сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясида “ахборот сиёсати субъектларининг икки тури мавжудлигини қайд этган. Биринчиси, жамият сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этувчи субъектлар киради. Бу, энг аввало, давлат ва унинг органлари, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлардир. Бунга лобби гуруҳлари ҳам киради. Иккинчи турга эса, сиёсатда билвосита иштирок этувчи субъектлар киради. Булар турли ижтимоий гуруҳлар, жамоалар, фуқаролик жамиятининг алоҳида вакиллари ва бошқалар”[16].

Ахборот сиёсатининг самарали олиб бориш қайси йўналишда бўлишидан қатъий назар тизимли фаолиятни талаб қилади. Халқаро майдонда мамлакат нуфузини оширишда ахборот сиёсатининг ўрни беқиёс. Ушбу жараёнда асосий коммуникатив воситаларнинг (тил, дипломатия, медиаресурслар) даражаси ижобий ёки салбий натижага таъсир кўсатади. Мамлакат салоҳиятини дунёга кўрсата олиш учун тил воситаси алоҳида ўринга эга. Дунёда энг кўп сўзлашиладиган тилларда (инглиз, немис, француз, испан, рус, хитой) материаллар, мақолалар, видеолархалар тайёрлаш орқали натижадорликка эришиш мумкин. Яна бир муҳим жиҳат, дунёнинг кўпгина мамлакатларига ахборот тарқатувчи медиа компаниялар (BBC, CNN, Euronews) билан ҳамкорлик қилиш орқали ҳам натижадорликка эриши мумкин. Бу борада Ўзбекистонда олиб борилаётган ахборот сиёсатининг мазкур йўналишдаги фаолиятини юқори босқичда деб бўлмайд.

Рус тадқиқотчиси Л.Изиляева мазкур йўналишда Россия Федерацияси ахборот соҳасидаги сиёсатининг асосий йўналишларини кўрсатади. “...биз асосан инглиз тилида сўзлашувчи аҳоли ва Европа мамлакатлари резидентларига эътибор қаратишни, Россия Федерациясининг ижобий имиджини илгари суриш учун профессионал пиар компаниялари мутахассисларини жалб қилишни замонавий Россия давлат ахборот сиёсатининг энг муҳим хусусияти деб ҳисоблаймиз. Бизга маълум бўлган ташқи давлат-ахборот сиёсий фаоллиги тенденцияси доимий равишда ўзгармоқда. Россия бир жойда турмайди ва халқаро майдонда ўз обрўсини юксалтириш учун янги ёндашувлар ва имкониятларни қидирмоқда”[17].

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шунини айтиш керакки, замонавий дунёнинг асосий кўринишларидан бири – бу унинг ахборот



оқимлари билан етарлича қамраб олинганлигидир. Ахборот таъсир кўламининг мунтазам ошиб бориши, унинг миқдори ва ҳажмининг кенгайиши, ташқи муҳитнинг таъсир имкониятларидан келиб чиқиб, давлат институтларининг ахборот маконини жамият учун негатив маълумотларидан муҳофазалаш мақсадида, самарали ахборот сиёсатини амалга оширишнинг асосий мазмуни ва хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш заруратини пайдо қилади. Шу жиҳатдан юқорида келтириб ўтганимиздек, давлатнинг самарали ахборот сиёсати давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва шахсларнинг бир-бири билан конструктив мулоқот олиб боришига, амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга ёрдам беради.

Ахборот сиёсатининг юқорида келтирилган таърифлардан ташқари яна бир муҳим хусусияти, унинг амалга оширилиши жамият аъзоларининг давлат ҳокимияти институтларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, шунингдек, жамиятда олиб борилаётган ислохотларни янада кучайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, бугунги кун воқелигидан узоқ бўлган, давр моҳиятига мос келмайдиган ахборот сиёсати давлат ҳокимияти институтлари нуфузини мамлакат ичида ҳамда халқаро майдонда пасайишига сабаб бўлади.

Ахборот сиёсатининг муҳим вазифаларидан яна бири мамлакатнинг барча соҳалардаги ютуқларини, имкониятларини халқаро майдонда тарғиб қилиш билан боғлиқ. Мазкур фаолият мамлакатнинг ички хусусиятлари, иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқариш жараёнлари тарғиботи ва бошқа барча йўналишларни қамраб олишда кўринади. Ўзбекистон ва унинг халқи учун иқтисодий юксалиш йўлида истиқболли соҳалардан бири – бу туризмдир. Мамлакатимизга хорижлик сайёҳларнинг келиши учун етарли тарихий минтақалар мавжуд. Асосий вазифа йирик сайёҳлик лойиҳаларини дунё ҳамжамиятига кўрсата олишда намоён бўлади. Бунинг учун қуйидаги жиҳатларни эътиборга олиш талаб этилади:

- халқаро аудиторияга чиқиш имкониятларини мунтазам ошириб бориш;
- жаҳоннинг нуфузли оммавий ахборот воситаларида мамлакатнинг барча йўналишлардаги ижобий имиджини шакллантириш;
- воқеаларни ёритиш, содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни сифатли тушунтиришга доир халқаро тажрибани ўзлаштириш;
- дунёнинг асосий ахборот тарқатувчи йирик медиакомпаниялари билан ўзаро шерикликка асосланган ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлашдан иборат.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “O’zbekiston” нашриёти. 2021. Б-273.
2. Тоффлер Э. Метаморфозы власти. - М.: Издательство АСТ, 2004. - С.11-12.
3. Г.Г. Почепцов. Психологические войны. М.: Рефл-бук, К.: Ваклер. 2000. Сс. 58-59.
4. Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов.Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. – М.: Горячая линия – телеком, 2003. – С. 194.
5. Ислombeков У. И. Сиёсатда «жамоатчилик билан алоқалар» технологияларини қўллаш имкониятлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Тошкент – 2007. Б.104.
6. Государственное управление и информационная политика: программа учебных курсов. - М.: Изд-во. МГУ, 1997. - С. 6.
7. Нисневич Ю.А. Информация и власть. - М.: Интер-пресс, 2000. – С. 9.
8. Weingarten, F.W. (1989) Federal Information Policy Development: The Congressional perspective. In C. McClure, P. Hernon and H. Relyea (eds), United States Government Information Policies: views and Perspectives (Ablex, Norwood, NJ).
9. Braman, S. (2011). Defining information policy. Journal of Information Policy 1
10. Информационная политика: Учебник/ Под общ. ред. В.Д.Попова. - М.: Изд-во РАГС, 2003. – С. 38.
11. "University of Wisconsin-Milwaukee" (PDF). Pantherfile.uwm.edu. Retrieved 2018-04-22.
12. Колин К. К. Социальная информатика // Стратегические приоритеты. 2015. № 4 (8). С. 51
13. Кульков В. М., Теняков И. М. Влияние информационной революции на безопасность, экономику и политику // США и Канада: экономика, политика, культура. 2015. № 1. С. 89.
14. Мартин У. Дж. Информационное общество. М. 1989. С. 346.
15. Нисневич Ю. А. О необходимости государственной информационной политики // Межотраслевая информационная служба.1997. № 1–2. С. 7–10.
16. Судоргин О. А. Современная информационная политика государства: мировой опыт и российская практика: автореф. дисс. д. п.н. М., 2011. С. 26.
17. Л. Изилева. Основные тенденции современной российской государственной информационной политики. Экономика и управление: научно-практический журнал, № 1 (135), 2017.

